





ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР  
АКАДЕМИЯСИ



А. С. ПУШКИН НОМИДАГИ ТИЛ ВА  
АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ



ЎЗБЕК  
АДАБИЁТИ  
КЛАССИКЛАРИ  
КУТУБХОНАСИ



---

---

Т О Ш К Е Н Т


1 9 5 1

МАХМУР  
ТАНЛАНГАН  
АСАРЛАР



ЎзССР ФАҢЛАР АКАДЕМИЯСИ НАШРИЁТИ

1 9 5 1



## ШОИР МАХМУР ТУҒРИСИДА

**Ш**оир Махмур XVIII аср охири ва XIX аср бошларида Қўқон шаҳрида яшади. У даврда хонлар, беклар ва катта ер эгалари ҳукм сураб эди. Эксплуататор синфлар меҳнаткаш халқ оммасини нодонликда тутишга, диний таассуб, хурофотни кучайтиришга уринар эдилар. Мамлакатда эксплуатация қилучи ҳукмрон синф блан меҳнаткаш халқ оммаси ўртасида кескин синфий кураш борар эди. Бунинг устига хонликлар орасида уруш, талашлар давом этар ва буларнинг бутун оғирлиги меҳнаткаш халқнинг устига тушар эди. Синфий кураш маданий ва адабий ҳаётда ҳам давом этди. Бу кураш реакцион адабиёт блан демократик тенденциядаги адабиёт ўртасидаги кураш эди.

Реакцион сарой адабиёти ғоявий жиҳатдан қашшоқ, формалистик адабиёт бўлиб, хон салтанатини мақташ блан шуғилланар эди. Бу адабиётга қарши кураш олиб борган демократик тенденциядаги адабиёт феодализм ҳукмронлик қилган даврдаги меҳ-

наткаш халқнинг ҳаёти ва курашини тасвирлар эди. Бу адабиёт вакиллари ўз асарларида феодал ҳукмронларини, хон амалдорлари ва уларнинг малайларини, умуман эксплуататорларни танқид қилдилар. Ана шу демократик тенденциядаги адабиётнинг вакилларидан бири шоир Махмур эди.

Шоир Махмур Қўқон шаҳрида туғилди, яшади ва ижод қилди.<sup>1</sup> Унинг отаси Мулла Шер Қўқон шаҳри яқинидаги Бойтуман қишлоғидан бўлиб, Қўқонга келиб қолган. У Акмал тахаллуси блан шеърлар ёзар эди. Мулла Шер Акмал Қўқон шаҳридаги Мадрасаи Мирда дарс берар эди.

Махмурнинг онаси эса Ҳапалак қишлоғидан эди. Махмур оилада бош ўғил бўлиб, унинг асли номи Маҳмуддир.

Маҳмуд Мадрасаи Мирда ўқийди. У ёшлик чоғиданоқ адабиётга қизиқиб, Махмур тахаллуси блан шеърлар ёзабошлайди.

Махмур феодализм давридаги ҳаётнинг бутун жабру жафоларини бошидан кечиради. Шоир ўз замонида халқпарвар олимлар, доноларнинг ниҳоят оғир ҳаёт кечирганликларини, феодаллар, бой-

---

<sup>1</sup> То ҳозиргача Махмур тўғрисида ҳечқандай материал йўқ эди. Шунингдек унинг «Ҳапалак» шеърдан бўлак ҳечбир шеъри адабиёт аҳлларига маълум эмас эди. Ушбу тўпламни ташкил этган шеърлар Махмурнинг 1950 йилда Қўқон шаҳрида топилган девонидан танлаб олинди.

лар ва хон амалдорлари қўлида эса ҳисобсиз бойлик тўпланганлигини кўриб, ниҳоят ғазабланади. Ўз давридан норози бўлган шоир шундай шикоят қилади:

Қайси бир зулминг этай те'дод<sup>1</sup> эй гардуни дун,  
Ким сенинг бедоду жавринг ҳадду ғоятдин бурун,  
Беҳунар жоҳилга бердинг беадад дун'ёи дун.  
Жам'и доноларин қилдинг ҳолини зеру забун,  
Зоғни а'ло қилиб, тўтини подон айладинг.

Махмур ана шундай зоғлар фароғатда, донолар кулфатда яшаган бир даврда умр кечирди. У жоҳиллар, феодаллар, хон амалдорлари бойлик эгаси бўлиб, кенг халқ оммаси ва унинг манфаатини кўзлаган олимлар, доноларнинг хору зор бўлганидан қаттиқ афсусланди. Шоир ўзининг бу каби шеърларида феодализм давридаги ижтимоий воқеаликни тасвирлаб, адолатсизликка, жабр-зулмга қарши кескин норозилик билдирди.

Махмурнинг шеърларида куйланган фикр-ҳислар фақат шоирнинггина эмас, балки ўша даврдаги барча илғор кишиларнинг норозилигини ифодаловчи фикр-ҳислар эди.

Махмур феодализм тузумининг оғир исканжаси остида қийналиб ҳаёт кечирди ва муҳтожлик

---

<sup>1</sup> Ҳисоб.

ичида вафот этди. Махмурнинг вафот этган йили ҳозирча аниқланган эмас.

Махмур ижодиётида унинг машҳур «Ҳапалак» ше'ри марказий ўринни эгаллайди. Бу ше'рда шоир феодализм ҳукмронлиги давридаги деҳқонларнинг оғир ва машаққатли ҳаётини реал бўёқлар блан тасвирлаб, уларнинг хон, феодалларга қарши норозилигини куйлайди. Ҳапалак қишлоғининг деҳқонлари тўғрисида Махмур шундай деб ёзади:

Халқини кўрсанг агар ўласию, қоқу хароб  
Очликдан эгилиб қомати мисли камалак.  
Ажиринг томирини ўғирда майда туйиб,  
Қайнатиб кунда ичар, отини дерлар сумалак.

Бу қишлоқ аҳолиси сув йўқлигидан юзини қумга ювади ва кўзига гувалак суртади, катак каби тор ва ерости каби қоронғи жойларда оч-яланғоч ҳолда яшайдилар. Махмурнинг айтишича кишилар гўдаклик чоғларида оналари ўраган йўргакларини то кексайганча «уч мингу юз етти бўлак» ҳолида ўз устларида илиб юрадилар. Ана шундай оғир аҳволда, очлик ва яланғочликда яшаётган қишлоқ аҳолисига хон яна тилло пули солиғини солади.

Кеча гўё эшитиб шуҳрати тилло пулни.  
Ҳапалак қўрқусидан учди мисоли капалак.

Махмур Ҳапалак деҳқонлари номидан шу солиқни бекор қилишни хондан талаб қилади.



Феодализм давридаги деҳқонларнинг оғир ҳаёт-лариини куйлаб, чин қалбидан улар учун қайғириб, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиб Махмур халқпарвар даражасига кўтарилади.

Махмурнинг «Ҳапалак» ше'ри фақат Ҳапалак қишлоғи деҳқонларининггина эмас, балки феодализм ҳукмронлиги давридаги барча қишлоқларнинг, барча камбағал деҳқонларнинг оғир ва чидаб бўлмас даражадаги машаққатли ҳаётини яққол кўрсатиб туради.

Шоир Махмурнинг яқинда топилган ше'рлар тўплами деярлик ҳажвий ше'рлардан иборатдир. Шоирнинг бу ҳажвларида феодаллар, қозилар ва умуман эксплуататор синфларнинг вакиллари қаттиқ танқид қилинади. Унинг «Қози Муҳаммад Ражаб Авж», «Итбоқар қози», «Ҳожи Ниёз» номли ҳажвий ше'рлари бу жиҳатдан айниқса характерлидир.

Махмурнинг ҳажвий ше'рларидан бирида тасвирланган Қози Муҳаммад Ражаб Авж деган қози асли Андижонли бўлиб, Янгиқўрғонда яшар ва Қоратепа деган жойда қозилик қилар экан. Шоир бу қозининг ярамас хулқини, очкўз, порахўр, золим эканлигини фош этади. У, қозининг тилидан бундай деб ёзади:

Гоҳ ким бошимда саллам бўлмаса ул дам қараб  
Расми роҳи тухмату, шалтоқ кирдоримни кўр.

Феодализм даврида шарият қонунини ҳимоя қилиш ниқоби остида халқни таловчи ана шундай текинхўр унсурларни шоир қаттиқ савалайди, уларнинг жирканч башараларини аёвсиз равишда очиб ташлайди. Махмур бу қозининг кирдикорларини кўрсатиб, умуман қози, муфти, а'ламларнинг ўз шахсий манфаатлари йўлида юз хил ҳийлаю найранглар ишлатишини тасвирлайди ва улардан нафратланади.

Махмур ўзининг «Итбоқар қози ҳажви» да шарият ҳомилари деб ҳисобланган, ифлос, паст ишлар блан шуғулланучи қозини қаттиқ танқид қилади.

Махмур бу ҳажвида қозининг итлар блан улфатчилигини тасвирлаб, қози ва унинг атрофидаги кишиларнинг барчаси итфе'л кишилардир, деган хулосага келади.

Шоир Махмур «Ҳожи Ниёз ҳажви» ва шу каби ше'рларда ҳам эксплуататорлар синфининг типик вакиллари бўлган, бу ярамас хулқли, таловчи, мунофиқ унсурларнинг барча жирканч кирдикорларини фош этиб ташлайди. Унинг ше'рларида ҳажв қилинган кишиларнинг ҳаммаси хоннинг катта амалдорлари эдилар.

Халқпарвар шоир Махмур ўз ҳажвлари блан меҳнаткаш халқнинг молу мулкани талаб бойиған хон амалдори, бойлар, текинхўр руҳонийларни бутун халқ олдида шармандаю шармсор қилади.

Шоир Махмур ўзининг каттагина бир ше'рида хон ва хон амалдорларининг содиқ лаганбардори Абдулкарим Фазлийни жуда ҳам қаттиқ танқид қилади ва унга «исқотхўр» (ташландиқ нарсаларни еючи) деб ном беради.

Лекин Махмур феодал ҳукмронларининг ифлос кирдикорларини фош қилар экан, у айрим феодалларни, бойлар ва амалдорларни қаттиқ танқид қилиш билан чекланди. У бутун феодализм тартибини танқид қилиш даражасигача кўтарилаолмади.

Махмурнинг ше'рлари унинг меҳнаткаш омма тарафида эканлигини кўрсатиб туради. Шоир Махмур сўнгги феодализм давридаги воқе'ликни, эксплуатация зулми остида эзилган халқ оммасининг оғир ва машаққатли аҳволини бадий ростгўйлик билан ифодалаб берган.

*Азиз Қаюмов.*



## ҲАПАЛАК

Эй жаҳондори зафар кавкабан даври фалак,  
Гўш қил қиссаи қишлоғи хароби Ҳапалак.

Турфа қишлоқ ғазаб кардаки паррандалари,  
Товуғи игначию, ўрдагу ғози — капалак.

Бору йўқ уйларини банда баён гар қилсам,  
Бир катак, икки капа, уч олачуқ, тўрт каталак.

Дема уй, балки замин, кундуз агар кирса киши,  
Ҳар тараф бетига ургайлар ани(нг) кўршапалак.

Халқини кўрсанг агар ўласию, қоқу, хароб,  
Очлигадан эгилиб қомати мисли камалак.

Ажириг томирини ўғирида майда туюб,  
Қайнатиб кунда ичар отини дерлар сумалак.

Йўрғагида онаси ул ўраган латталари  
То ҳануз устидадир, уч мингу юз етти бўлак.

Гар таҳорат қилса қавми сув тополмай ночор,  
Бетини қум-ла ювиб, юзига суртар гувалак.

Эй фалак қадру адолат шийами мулку малак,  
Марҳамат чоғида раҳм айла баҳоли Ҳапалак.

Кеча гўё эшитиб шуҳрати тилло пулни,  
Ҳапалак қўрқусинди учди мисоли капалак.

Ҳимматинг йўлида бир тарзи каромат қилгил,  
Капалак боз қўниб жойига бўлгай Ҳапалак.

Зор Махмур талаб қилди кечишни шоҳдин,  
Ҳапалак юртига тушган пул агарчи лак-лак.

Доимо эҳсони гардун шуд басуйи ағниё,  
 Кард доноён базийри панжаи жоҳил фано,  
 Тўтиёнро сохта дар қайди зиндон мубтало,  
 Андалибонро мути'и бум карди, эй само,  
 Аҳли донишни забуни дасти нодон айладинг.

Ма'носи:

Доимо осмоннинг эҳсони бойларга бўлди,  
 Доноларни жоҳиллар панжаси остида паст қилди,  
 Тўтиларни зиндон қайдига мубтало қилиб,  
 Эй само, булбулларни бойқушларга қарам этдинг,  
 Илм, фикр аҳлини нодонлар қўлида хор қилдинг.

Хор қилдинг оқибат ҳаркимки эрди аржуманд,  
 Паст этдинг соядек, нахлики бўлди сарбаланд,  
 Барча фе'линг носутуда жумла васфинг нописанд,  
 Юсуфи Мисрини айлаб чоҳи зиндон ичра банд,  
 Пири Кан'он манзилини байтул-аҳзон айладинг.

<sup>1</sup> Қисқартиб олинди.

Эй фалак, дар бораи мо зулми беҳад то бакай?  
Мо асирон дар тилисми мардуми бад то бакай?  
Бар сари мо ростон шамшири чун мад то бакай?  
Як алам дар бораи мо сохтан сад то бакай?  
Эй ситампарвар, юраклар таҳ-батаҳ қон айладинг.

Ма'носи:

Эй фалак, бизга бу чексиз зулминг қачонгача давом этади?  
Биз ёмон кишиларнинг тилсимига токайгача асир бўлиб  
турамиз?  
Биз ростлар бошида қайрилма қамчилар қачонгача синади?  
Токайгача бир аламни биз учун юз алам қиласан?  
Эй золим, юракларни қатма-қат қонга айлантирдинг.

Қайси бир зулминг этай те'дод, эй гардуни дун  
Қим сенинг бедоду жавринг ҳадду ғоятдин бурун,  
Беҳунар жоҳилга бердинг беадад дун'ёи дун,  
Жам'и доноларни қилдинг ҳолни зеру забун,  
Зоғи а'ло қилиб тўтини нодон айладинг.

Токай эй гардуни дун, дунро риоят мекуни?  
Чанд боҳамноми худ лутфу иноят мекуни?  
То бакай аз мо бажам'и худ шикоят мекуни?  
Чанд бо ин аблаҳон нақли ҳикоят мекуни?  
Ҳамсифат, ҳамном учун дунларга майлон айладинг,

Ма'носи:

Эй пасткаш дун'ё, токайгача пасткаш кишиларга риоя  
қиласан?  
Сенга ҳамном бўлган пастларга қачонгача лутфу иноят  
қиласан?

Қачонгача биздан ўз аҳллариингга шикоят қиласан?  
Қачонгача бу бирнеча аблаҳларга ҳикоялар нақл қиласан?  
Ҳамсифатинг, ҳампоминг бўлгани учун пасткашларга  
майл кўрсатдинг,

Синалар ма'мурасини селдек қилдинг хароб,  
Аҳли дил бағрини ҳасрат ўтида этдинг кабоб,  
Фе'лу атворинг мукаддар, гуфту гўйинг носавоб,  
Лутфинг эрмас беғараз, ин'оминг эрмас беҳисоб,  
Тифлдек бўлдинг пушаймон кимга эҳсон айладиңг.

Алғиёс, эй аз ситамҳойи спеҳри бад шиор,  
Дар дили мо нест акнун тоқату сабру қарор,  
Ал'амон гўён баолам нолам аз дасти ту зор,  
Алҳазар гўён гуризам аз ту дар шаҳру диёр,  
Қим кўнгил мулкин бузиб ер бирла яксон айладиңг.

Ма'носи:

Емон шиорли осмоннинг стамларидан дод!  
Дилимизда ортиқ тоқат, сабру қарор қолмади.  
Сенинг дастингдан ал'амон деб йиғлаб нола қиламан,  
Алҳазар деб шаҳарларда сендан қочаман,  
Чунки сен кўнгил мулкини бузиб, ер блан яксон қилдинг.

То қалам чекти қазо лавҳи вужуди кунфакон,  
Келмади бир ростлиқ нақлингда, эй қаж достон,  
Мумтаҳандирсан ёмонлиғда на ҳожат имтиҳон,  
Нахли идборинг уза мурғики қўйди ошиён,  
Тухми анжум гардишидин сангборон айладиңг.



АБДУЛКАРИМ ФАЗЛИЙ  
НАМАНГОНИЙ ТУҒРИСИДА

Ҳажв

Назми турки блан баён, амаким  
Сифатингни қилай аён, амаким.

Сени мадҳингдин ўзга қоғозга  
Чекмайин бир нуқат нишон, амаким.

Отани ганжи баски якбора  
Кетди қўлдин бир олгон, амаким.

Бўлмайин сендин ҳам дебон ма'юс  
Айларам мидҳатингни жон, амаким.

Қилди тасниф неча дафтари фаҳш  
Мўшикофу дақиқадон, амаким.

Ше'р бозори ичра бори йўғи  
Босгани тургани ялғон, амаким.

Неча йил хўжаларни давлатида  
Қилди исқота хў ёмон, амаким.

Тўрақўрғон блан Намангонда  
Хуш эди мансаби равон, амаким.]

Кеча-кунлар сўраб юрар эрди.  
Мурдалар жам'идин нишон, амаким.

Бўлди зарбул-масал бу боисдин  
Пири исқотийи замон, амаким.

Кўринур базм аро мусоҳибга  
Шакли монандаи илон, амаким.

Кимки олдида билмай ўлтирса  
Чақди заҳри блан чиён, амаким.

Да'би шулким мудом еткурса,  
Халқ аро заҳмату зиён, амаким.

Ҳам юҳо, ҳам макарнажи дар'ё  
Аждаҳо ишкаму, жаён, амаким.

Шоҳ султон Умарни йўлдин уриб  
Айлади шоири шаҳон, амаким.

Ҳама аш'орини бериб анга  
Олди дун'ёни бегарон, амаким.

Амаким халқ ичида бор ўлгай  
Лек муҳтожу хору зор ўлгай.

Аввали касби эрди исқотий  
Оқибат ҳам ўшал шиор ўлгай.

Сағ падар икки қурратул-айни  
Икки бозандаи қимор ўлгай.

Қиссалар бирла топган амволи  
Жумла торожи рўзгор ўлгай.

Бор исқотиликни пеша қилиб,  
Обу, оши каварга зор ўлгай.

Қарриликда қароқчилик қилсин,  
Токи бўйнига чўбдор ўлгай.

Гўри торикни дуо айлай  
Ўғрилар қабрига қатор ўлгай.

Зоти манҳус кулфат олуда  
Луқмаи мўру, нўши мор ўлгай...

Эрди аввал юҳо-у охири ҳам  
Ҳам макарнаж, ҳам аждаҳо ўлгай.

Езу қиш наш'а истабон топмай  
Дайр аро бангиларга зор ўлгай...

Икки оламда бул мазаллат кин  
Қобили қаҳри кирдигор ўлгай.

Ботини халқ ичида эрди ало  
Зоҳири даҳр аро чифор ўлгай.

Қомати захман қариликдин  
Чун қубузи гусиста тор ўлгай

Ошиқ эрди дутор нағмасига  
Шоҳсанам гарданиға бор ўлгай.

То абад нақди ла'нату нафрин  
Жам'и авқотига нисор ўлгай.

Даҳр аро қайда бўлса аҳли фужур  
Сухбати анда хуш барор ўлгай.

Кириб охир дамида хуззоға  
Бўзахўрларга косадор ўлгай.

Айла назмингни хатм, эй Махмур,  
То кўнгилларга беғубор ўлгай.

Мухтасар қилмайин кашола қисанг,  
Амакигдек жаҳонда хор ўлгай.

Шукрим бўлди хатм поёни  
Ҳажви исқотийи Намангоний.

Амаким турфа ғоз гардандир,  
Гўйё лаклаки чапандандир.

Мунча чирку фалокат остида  
Салласи хосаи дакандандир.

Амакимнинг ҳануз ўлмагани  
Охтариб марғ топмагандандир.

ҚОЗИ МУҲАММАД РАЖАБ  
ТУҒРИСИДА ҲАЖВ

Бу мажмуа солори воло ҳасаб,  
Сазовори қози Муҳаммад Ражаб.

Эрур Андижон анга асли ватан,  
Вале ҳолиё Янгиқўрғонда тан.

Қаро тепанинг қозийи акбари,  
Бўлиб қавму қишлоғининг раҳбари.

Абан ан жаддин Андижон шаҳридин,  
Эрур Янгиқўрғон макону макин.

Агар қозини изласанг қайдадир,  
Қоратепа ё Янгиқўрғондадир.

Ажаб қозийи, қоҳили, жоҳили,  
Бўлиб омилик илмига қоҳили.

Анинг кўксини чок қилсанг ҳама,  
Ғилу ғишини пок қилсанг ҳама.

Адамдир алиф анда кўп излама,  
Бу нар харни қози дебон сизлама.

Лақаб ҳофиз «Авж» оти анинг  
Ҳаюло сувар шакли зоти анинг.

Магар келди Мозандарондин бу дев  
Жаҳон рангидин қўрқиб айлар ғирев.

Насаб Ож ибни Ануқдин эрур  
Ҳасаб ғул ё асли муғдин эрур.

Чиқиб ар'ари қадди чандон узун,  
Бўлур сақфи гардунға қилсанг сутун.

Кесиб бир шитолангни ҳам икки йўл  
Равон айла Жайҳуну Сайҳунга пул.

Терибдур ким офоқдин паттани  
Йиғиб кўчадин лакбуриш латтани.

Қийим паттани жам'у пайванд этиб,  
Анинг устидин латтани банд этиб.

Дами гар бузулса бу дастор зор  
Тузатмоққа солгай анга мардикор.

Буруб жумла дарвозани салласи,  
Эшикларни вайрон қилар калласи.

Жаҳон ичра бу қозийи девранг  
Эрур мазҳабу, миллати рийгранг.

Тузар ўзини гоҳи зуҳҳоддек  
Қилар шаклини мисли уббоддек.

Гаҳи марди муллои олим ўзи,  
Гаҳи боби раддул-мазолим ўзи.

Гаҳи пешвойи сияҳномалар,  
Гаҳи дохили базми ҳангомалар.

Юрар гоҳи дар сурати шайху шоб,  
Гаҳи зуфунун шакли закки ҳубоб.

Гаҳи толиби базлаи ҳарзағўй  
Гаҳи нозими назми берангу бўй.

Магар бу ғазални сифоти учун  
Қилиб машқ тавсифи зоти учун.

ҚОЗИ МУҲАММАД РАЖАБ АВЖ  
ТИЛИДАН АЙТИЛГАН ҒАЗАЛ

**К**елгил эй аҳбоб, аввал тарзи рафторимни кўр,  
Ба'д даври гумбази дастор давворимни кўр.

Кимки дасторимни кўрса ўрнидин қўрқиб (турар),  
Бетаҳорат айлаган оламни мурдоримни кўр.

Гоҳким бошимда саллам ўлмаса, ул дам қараб,  
Расми роҳи тухмати шалтоқ кирдоримни кўр.

Қозиликла жам' қилган пулни савдо айласам,  
Асфаласофил деган даврида бозоримни кўр.

То адамдин азми дун'ё айладим юз вой ким,  
Қўймадим оламда бир кун нафси қаҳҳоримни кўр.

Бошланур боши сабоҳи уйқудин то ним шом,  
Олти эшик, етти тешик нони нондоримни кўр.



Бир макарнажманки юзминг аждаҳо гар учраса,  
Айларам бир луқма деви жу'и ашроримни кўр.

Гарчи мен қилдим тахаллус Авж ёлғондир ҳама  
Халқнинг остида қолган бахти идборимни кўр.

**У**чинчи эрур ҳожийи (бад бурут)  
Бўлур етти бошлик юҳо, икки пут.

Тутар ўзини ҳожийи Макка ҳам  
Борибман дегай Маккага якка ҳам.

Гумонимча ҳаж қилмаган бўлса ул  
Тариқи ҳарам билмаган бўлса ул.

Магар йўлда ул жиннийи рўйсиёҳ,  
Сотиб ҳажни ҳарж айлаган ул бароҳ.

Зи бас лода ма'жун, бадкайфдур,  
Анга яхши мадҳу, сано ҳайфдур.

Олиб неча пулни пайи нафси рев  
Зиҳи макру найрангу афсуни дев.

Кўринг шеваи зарқ исботини,  
Билинг доми тазвири авқотини.

Гаҳи ҳожийи фавжи фарзоналар,  
Гаҳи жиннийи жам'и девоналар.

Гаҳи миршабки сипоҳи будур,  
Гаҳи осилар рўйсиёҳи будур.

Гаҳи дохили садри аҳли сулук,  
Гаҳи қобили базми тожул-мулук.

Гаҳи Амри айёр, гаҳ доғули,  
Гаҳи Навбаҳорики, гаҳ Омули.

Гаҳи соҳиби ганжи асрор ҳам,  
Гаҳи толиби ше'ру аш'ор ҳам.

Йиғиб неча кун хотири ка'бидин,  
Тўқиб бу ғазални мочаи таб'идин.

Даври фалакда дўстлар сар-сари тангироҳ ўзим,  
Гирди жаҳонни чарх уриб, сайқали меҳру моҳ ўзим.

Баски пиёда йўл юриб, яхши ёмонни кўп кўриб,  
Маккада неча йил юриб, фазлахўри илоҳ ўзим.

Ўзими сода ҳам десам, жиннийи лода ҳам десам,  
Бошима хода ҳам есам, ҳожийи қиблагоҳ ўзим.

Даври жаҳонда қолмади мен қилмаган гуноҳи бад,  
Хоси замона аҳлида осийи рўйсиёҳ ўзим.

Ҳожийи (бадбурут) десанг бўзахўри ўғут десанг,  
Олтию, тўрт ғурт десанг, рост ўзим, гувоҳ ўзим.

Поча талош каллалар, зиллакаши маҳаллалар,  
Ўғрийи эски саллалар, шом ўзим, пагоҳ ўзим.

Ҳажни сотди йўлда деб, ўлмайин йўлда, чўлда деб,  
Минг-минг гуноҳлар кўлда деб, му'тарифи гуноҳ  
ўзим.

Журм десанг, қабат-қабат, фисқ десанг, сабат-сабат,  
Наҳс десанг, наMAT-наMAT, сўфийи хонақоҳ ўзим.

Шукрки мунча ҳол илан, хотири пур малол илан,  
Нафси сағи вубол илан, тозийи шайху шоб ўзим.

Барча вужудим (бе субут), жисмими бори етти пут,  
Абу жадим сағи сафут, бешаку иштибоҳ ўзим.

Менки тама'га бандаман, халқи жаҳонда гандаман,  
Нарса тиларга рандаман, хоҳ ўзим, нахоҳ ўзим.

Субҳдами силаб юриб, ҳимматим олти ман қурут,  
Устига етти тўрба тут луқмахўри пагоҳ ўзим.

Шоҳи жаҳон паноҳга, довари додхоҳга,  
Хони зафар сипоҳга чокарн хайрихоҳ ўзим.

Гоҳи Хўқандда миришаб, гоҳи ҳарамда ҳақ талаб.  
Гоҳ кулухи мустаҳаб, бул-ажаби гиёҳ ўзим...

Хатми ғазални айлаган, белни хатога боғлаган,  
Оши каварни пойлаган, ҳофизи садргоҳ ўзим.

(Бесубути) ягонаман, тантанани замонаман,  
Жинийи жовидонаман, масхара дастгоҳ ўзим.

## ИТБОҚАР ҚОЗИ ТИЛИДАН

**Ш**аҳриёро, камина сағбонман,  
Пешвойи сипоҳи хандонман.

Асли отим агарчи қозидир,  
Қозийи қавми шаҳри тозидир.

Итбоқарлик эрур мени ҳунарим,  
Боиси ризқи модару падарим.

Ота-бобомни касбидир бу ҳунар,  
Қатта бобомнинг расмидир бу ҳунар

Хайли кўппакни толибидирман,  
Жам'и сағбонни ғолибидирман.

Лашкари итга пешво мен-мен,  
Сарвару соҳиби ливо мен-мен.

Дема хандонки ёрим, жонимдир,  
Маҳрами муниси маконимдир.

Кечалардир тамом қўйнимда,  
Думу, боши, оёғи қўйнимда.

Ёзу қиш бир катакда ётармиз,  
Бир буриш нонни бирга тотармиз.

Ошимиз бир ялоқдадир модом,  
Бошимиз бир тувак ичида мудом.

Шом тентиб то сабоҳ ухлармиз,  
Хайли суллоҳ, жам'и суқлармиз.

Бизни дайдию дарбадар дерлар,  
Маргимизни маҳи сафар дерлар.

Бўлмасам олдида замони агар,  
Тозилар: «қози қайда» деб йиғлар.

Чунки жондин буларни беҳ кўраман,  
Булар афғон гар этса мен ҳураман.

Даври оламда қанчаким ит бор,  
Ҳаммаси менгадир биродару ёр.

Қарри кўппак масобаи падарим,  
Гўрчийи ёш додару жигарим.

Ола тўрткўз биродари айним,  
Қора кучук заифаи қайним.

Тозилардир рафиқу йўлдошим,  
Хайли хандон эрур қариндошим.

Даври даврони шаҳриёримда  
Асри султони коиронимда.

Ҳама семирди, қоқ мен қолдим  
Ҳама жуфт ўлди, тоқ мен қолдим.

Ҳама (дўст топди) насли одамдин,  
Менга кучук тегиб насибамдин.

Бор умидим аннинг жамалғасидин,  
Кашфу тумору тўйу ғалласидин...



ДАР СИФАТИ ҲАКИМ ТУРОБИИ  
ҲАЗОР ХАЛТА

Бешинчи табиб Туробий эрур  
Саломига ла'нат жавоби эрур.

Ажаб бир ҳақими шақоват сиришт  
Мақомига дўзах эрур сарнавишт.

Кезар дашту-саҳро касал истабон  
Ажал орқасидин юрар қистабон.

Жаҳон ичра ул жоҳили нобакор  
Ажал иликдин олганга келди дучор.

---

Езиб олдига икки минг халтани  
Йиғиб эски юз лак тугун латтани.

Терибдир дўкониға тўқсон тувак  
Солиб ҳар тувак ичра ўн уч сумаи

Қимиким, тувакдин талаб қилса нўш  
Берур нўш дору дебон маргимуш.

Эрур ранги қиш чилласидин совуқ  
Ҳақоратга бобу сўкарга ёвуқ.

Анга бори заммат тушатсанг савоб  
Юзига таҳорат ушатсанг савоб.

Кўрарман ани гоҳ дугаҳ дўконида  
Туриб икки шайтон анинг ёнида.

Келур олдига кимки дору сўраб  
Ба аҳволи ранжуру, дарду-тааб.

Берар заҳрни нўш дору дебон  
Ани ўлдириб беажал шу замон.

Жаҳон ичра бул аблаҳи пурфусус  
Қилур ўзини сонийи Жолинус

Юрар гоҳ ҳикмат усулида ул  
Гаҳи муддаи ше'р йўлида ул.

Тариқи ҳазоқат блан ул жаҳул  
Тоғиб бу ғазални зи роҳи усул.

ДАР СИФАТИ ҲАКИМ ТУРОБИИ ҲАЗОР ХАЛТА  
БУДУР

Биҳамдиллаҳ табиби шаҳру Буқроти халойиқман.  
Ажалдин ҳам бани одамни ўлдирмоққа фойиқман.

Табиби шаҳр номи ойда бир бемор ўлдирса,  
Вале мен кунда юз бемор ўлдирмоққа ҳозиқман.

Мани бадбахт то зарбул-масал бўлдим табибликда,  
Жаҳон борича акнун кўп ҳақоратларга лойиқман.

Ҳакими шаҳр деб олдимга ҳарким келди, ўлдирдим,  
Тариқи ростим шулдирки, жаллоди халойиқман.

Эрур кўп ноҳақ (ишлар) гарданимга тавқи  
ла'натдир,  
Жаҳаннам садрига бу журм илан сардори  
собиқман.

Адамдӣи то келибман даври оламда ҳисолим шул,  
Мусулмонларга ҳосидман, мунофиққа мувофиқман.

Абан ан жаддин — ота-бободан.  
Абр — булут.  
Аврод — дуолар.  
Адам — йўқ ма'носида  
Азозил — шайтон.  
Амвол — молу-мулк.  
Амру-наҳй — буйруқ ва тақиқ.  
Анжум — юлдузлар  
Аржуманд — қимматли, қадрли  
Арз — ер.  
Асфаласофлийн — тубанларнинг тубани  
Асрор — сирлар.  
Аш'ор — ше'рлар.  
Ашрор — ёвузлар, безориялар.

Базла — ҳазил.  
Байтул-аҳзон — ғам уйи, ғамхона.  
Баназди — яқинида, ёнида.  
Бапеш — олдида.  
Беадад — сон-саноқсиз.  
Бедод — зулм.  
Бех — томир.  
Беҳ — яхши.

Боб — эшик.  
Бозандаи қимор — қимор ўйновчи.  
Борон — ёмғир.  
Ботил — ярамас.  
Ботин — ички.  
Бутан — ўзга, бегона.  
Буқрот — машҳур табиб исми.

Ганда — ифлос нарса.  
Ганж — хазина.  
Гардон — айланучи.  
Гардун — осмон.  
Гардуни дун — пасткаш осмон.  
Гуфту-гўй — гап-сўз, суҳбат.  
Гусиста тор — узилган ип.  
Гўш — қулоқ.

Даввор — айланучи.  
Дакан — аёллар ўрайдиган саллага ўхшаш нарса.  
Даст — қўл.  
Дастор — салла.  
Дайр — ибодат жойи.  
Дақиқадон — ингичка нуқталарни билучи.  
Даҳр — замон.  
Да'б — одат.  
Додар — ука.

Жаҳул — энг нодон, энг жоҳил.  
Жаён — қўрқинчли, йиртқич ҳайвон.  
Жолинус — машҳур табиб исми.  
Журм — гуноҳ.  
Жу' — очляк.  
Жур'а — томчи, қолдиқ.  
Жуҳҳол — жоҳиллар.  
Жўянда — изловчи.

Забун — тубан, хор.  
Закый — зийрак.  
Заллакаш — тубан, хор.  
Заллат — хорлик.  
Зангулабоз — қўнғироқбоз.  
Зангула — қўнғироқ.  
Зарроб — пулга муҳр ўючи.  
Зарқ — мунофиқлик, икки юзламачилик.  
Захма — қўбиз чалишда ишлатиладиган асбоб, — нохин.  
Зихи — э, қандай!, жуда яхши, ажаб.  
Зоний — фоҳишабоз.  
Зоҳир — ташқи кўриниш.  
Зуфнун — олим, ўқимишли.  
Зуҳҳод — тақводорлар.

Идбор — орқага кетиш.  
Исқотий — ташландиқ нарсаларни олучи, одам ўлгандан сўнгги садақаларни олучи киши.

Кавар — ошқовоқ.  
Кавкаб — юлдуз.  
Қаждостон — эгри сўз.  
Қажрав — эгри юрадиган, нияти бузуқ.  
Қомкор — мақсадга етучи.  
Қоҳил — беғам, бекорчи, дангаса.  
Кулух — кесак.  
Кулфат олуд — кулфат блан чулганган.  
Кўҳ — тор.

Лаям — очкўз, қизғончиқ.  
Ливо — байроқ.  
Лода — аҳмоқ.

Мазаллаткийн — хор бўлган киши,  
Макарнаж — катта аждаҳо.

Макин — макон қилган, жойлашган.  
Манҳус — ёмон, бадбахт.  
Масоба — ўхшаш, гўё.  
Масх — ўзгарияш.  
Майлон — мойил бўлиш, эгилиш.  
Мугийс — ёрдамчи.  
Мидҳат — мақтов.  
Мор — илон.  
Мукаддар — губорли, хира.  
Мумтаҳан — синалган.  
Мунажжим — астролог.  
Мусоҳиб — ҳамсуҳбат.  
Мушикоф — возик фикрларни ҳал қилучи.  
Му'тариф — иқрор этучи.  
Муқаллид — тақлид қилучи.  
Муҳосаба — ҳисоблаш.  
Мур — ўтга топинучи, мажусий.  
Мўр — чумоли.

Навбаҳор — жой исми.  
Нархар — эркак эшак.  
Нафрин — нафрат.  
Наҳл — хурмо дарахти.  
На'л — оёғ кийими, кафш.  
Нисор — сочиш.  
Нозим — шоир.  
Нописанд — нома'қул.  
Нор — ўт, олов.  
Носутуда — ярамас.  
Нўш — ичиш.

Ож ибн Ануқ — киши исми, афсоналарга кўра унинг боши  
булутларга тегиб юрар экан.  
Омул — жой исми.

Олачуқ — чайла, капа, бошпана

Офоқ — уфқлар, горизонтлар.

Пагоҳ — эрта.

Пурфусус — алдамчи, маккор.

Раддул-мазолим — зулмни қайтариш, бу ерда адлия маҳкамаси ма'носида.

Раммол — чизикларга қараб фол очучи фирибгар.

Рев — найранг, алдаш, фириб.

Роҳ — йўл.

Рўйснѐҳ — юзи қора.

Садргоҳ — юқори жой.

Саг — ит.

Сагбон — итбоқар.

Саллох — терини шилиб олучи, шилучи.

Сангборон — тошбўрон.

Сарсар — совуқ шамол.

Сафида дам — тонготар.

Сақф — шип.

Сипос — мақташ.

Сиришт — характер, фе'л-атвор.

Сияҳнома — хати қора, гуноҳкор ма'носида.

Солор — бошлиқ.

Сор — майяна.

Сувор — от минган, отлиқ.

Сикка — пул муҳри.

Сулук — қонуя, қоида.

Сун' — яратиш.

Суханвар — гапга чечан.



Тавқ — бўйинбоғ; маржон.  
Тазвир — алдаш, ёлгонлаш.  
Таҳқиқ — текшириш.  
Те'дод — савоқ, ҳисоб.  
Тироз — нақш, безак.  
Тифл — бола.  
Торик — қоронгу.  
Тоғиён — бўйсунмовчилар.  
Тул — узунлик.

Уббод — ибодат қилучилар.  
Уммон — Оман қўлғиги (Араб денгизидаги).

Фавж — гуруҳ, тўп, тўда.  
Фазлахўр — салқитхўр.  
Фасонагар — афсоначи.  
Фаҳми сойиб — соф ақл, тўғри фаҳм.  
Фойиқ — устун, юқори.  
Фулус — чақа.

Хатм — тамомлаш.  
Хайл — тўда, гуруҳ.  
Хилқат — вужудга келиш, яратилиш.  
Хисол — хусусиятлар, қилиқлар.  
Хома — қалам.  
Хуззо — ўзини камтар тутучи киши.

Чўбдор — миршаб, соқчи.

Шабона — кечқурун, тунда.  
Шароратгар — ёвузлик қилучи.  
Шайху шоб — қари-ёш.  
Шақоват — бахтсизлик.  
Шақоватсиришт — бадбахт табиатли, ёмон хулқли.  
Шитоланг — товон, илик суяги.

Яд — қўл.

Гирев — гавро, сурон.

Гул — дев.

Гурт — ҳақоратли ифода.

Қубуз — музика асбоби.

Қурратул-айн — кўз қорочуғи, бу ерда фарзанд ма'носида.

Ҳазоқат — моҳирлик.

Ҳаюло — жисм, модда, гавда, сурат, ҳайкал, шакл.

Ҳарзагўй — эзма, бема'ни гаплар гапиручи.

Ҳасаб — мартаба, даража ма'носида.

Ҳимор — эшак.

Ҳоди — йўлбошловчи.

Ҳусул — ҳосил бўлиш.

# МУНДАРИЖА

Шоир Махмур тўғрисида. Азиз Қаюмов . . . . .	7
Ҳапалак . . . . .	15
Мухаммас . . . . .	17
Абдулкарим Фазлий Намангоний тўғрисида . . . . .	20
Қози Муҳаммад Ражаб тўғрисида ҳажв . . . . .	24
Қози Муҳаммад Ражаб Авж тилидан айтилган ғазал . . . . .	27
Ҳожи Ниёз тўғрисида ҳажв . . . . .	29
Ҳожи Ниёз тилидан айтилган ғазал . . . . .	31
Итбоқар қози тилидан . . . . .	33
Дар сифати ҳаким Туробий ҳазор халта . . . . .	36
Дар сифати ҳаким Туробий ҳазор халта будур . . . . .	38
Луғат . . . . .	39

На узбекском языке

## Махмур

### Избранные произведения

\*

Мас'ул редактор Ю. Султонов  
Адабий редактор. Х. Расул  
Расом А. К. Ошейко  
Тех. редактор. З. И. Сорокина

\* \*

P05979. Боснишга рухсат этилди 8/IX-51 й.  
Қоғоз 70×108<sup>1/2</sup>—0,75 қоғоз л. 2,055 босма л.  
Нашриёт л. 2,1. Тиражи 10,000.  
Баҳоси 1 с. 50 т. Муқоваси 1 с. 50 т.

\* \* \*

УзССР Фанлар Академияси Нашриёти  
босмахонаси. Заказ 1058.  
Тошкент 1951 й.